XALQ DEPUTATLARI SERGELI TUMAN KENGASHI
QARORI

Toshkent shahar, So'g'diyona ko'chasi 1-uy, indeks 100085, Tel.: 71 215-11-77, e-mail: Sergeli.t@exat.uz

«22» апрель 2021 yil 204/2-38-son

Сергели туманидаги айрим номсиз кўчаларга ном бериш тўғрисида

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек географик объектларни номлаш ва қайта номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ҳамда самарали амалга ошириш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасига асосан халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тумандаги айрим номсиз кўчаларга ном бериш бўйича Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича туман комиссияси киритган таклиф маъқуллансин.

2. Тумандаги номсиз кўчаларга берилган номлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Набиев), туман статистика бўлими (Ў.Бакаев), туман кадастр агентлиги бўлими (О.Амиржонов), туман қурилиш бўлими (О.Дониев) ва туман ободонлаштириш бошқармаси (А.Юсупов) ҳамда тегишли мутасадди бўлимлар:

амалдаги тартибда ном берилган кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирлар амалга оширилсин.

4. Туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Абдуразаков), туман кадастр агентлиги бўлими (О.Амиржонов):

Сканировано с CamScanner

ном берилган жойларда аҳолининг кадастр ҳужжатлари ва фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларига ариза ёки маълумот талаб этилмасин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссия раиси Р.Умаров ҳамда *Географик объектларни номлаш ва қайта- номлаш* бўйича туман комиссияси зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
Сергели туман Кенгаши раиси **Э.Шукуров**

Сканировано с CamScanner